



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil « 12 » май

ПФ–84 -son

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, фитосанитария ва ветеринария соҳаларида ягона давлат бошқаруви ва назорат тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, фитосанитария ва ветеринария соҳаларида ягона давлат бошқарувини ташкил этиш, аҳолига хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиши устидан самарали назорат тизимини жорий этиш, масъулият ва жавобгарликка асосланган тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ҳамда соҳага илғор халқаро амалиётларни жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар мазкур Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган идораларнинг бир-бирини такрорловчи функцияларини бартараф этиш ва мақбуллаштириш орқали **ягона давлат бошқарувини** ташкил этиш;
- (б) **“даладан дастурхонгача”** тамойили асосида озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш занжиридаги барча иштирокчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг **хавф таҳлилига асосланган назорат тизимини** жорий этиш;

- (в) амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, ветеринария, ветеринария-санитария қоидаларини, фитосанитария талаблари ва чораларини **Алиментариус кодекси** стандартлари, **Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти (WOAH), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция (IPPC)** талабларига мувофиқлаштириш;
- (г) озиқ-овқат бизнеси операторлари фаолиятига **хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари (НАССР)** тамойиллари кенг жорий этилишини таъминлаш ҳамда уларнинг истеъмолчиларга **хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб** беришдаги масъулиятини ошириш;
- (д) соҳада хусусий сектор билан маслаҳатлашувларнинг тизимли ва шаффоф механизмларини яратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, фитосанитария ва ветеринария соҳаларидаги **давлат функцияларини халқаро тажриба асосида босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш;**
- (ж) маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ҳамда нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган **халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.**

II. Ягона давлат бошқарувини ташкил этиш

2. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси негизида:

- (а) **Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси** (кейинги ўринларда – Қўмита);
- (б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида **Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда – Чорвачилик агентлиги) ташкил этилсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмасига қишлоқ хўжалиги вазири **ўринбосари – Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори** лавозими киритилсин.
4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги зиммасига **озиқ-овқат саноати корхоналари** (алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан ташқари) ва **озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватларини ривожлантириш** вазифалари юклансин.
5. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг **1–3-иловаларга мувофиқ вазифалари, тизим ташкилотлари ва штат бирликлари тегишлилиги бўйича** Қўмита, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар ўртасида **қайта тақсимлансин**.
6. Белгилансинки:
 - (а) Қўмита озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, фитосанитария ва ветеринария (кейинги ўринларда – озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги) соҳасидаги **давлат бошқаруви ҳамда назоратини амалга оширувчи ваколатли орган** сифатида фаолият олиб боради;
 - (б) қуйидагилар:
 - (i) **Қўмита** Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш қисмида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг;
 - (ii) **Чорвачилик агентлиги** чорвачилик, шу жумладан, наслчиликни ривожлантириш, яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қисмида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг **функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, шартномалари ва халқаро битимлари бўйича ҳуқуқий вориси** ҳисобланади.

7. Қўйидагилар:

- (а) Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари **4-иловага** мувофиқ;
- (б) 2027 йил 1 январдан бошлаб хусусий секторга халқаро тажриба асосида босқичма-босқич ўтказиладиган (турлари кенгайтириладиган) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги функциялар рўйхати **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

III. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда илмий-амалий ёндашувни кенг қўллаш

8. Қўмита ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги **Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги институти** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилсин.

9. Белгилансинки:

- (а) Институт мазкур Фармонга **6-иловада** назарда тутилган вазифаларни бажаради;
- (б) Институт ходимларининг умумий чекланган сони Қўмита раиси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади ва мазкур Фармонга 3-иловага мувофиқ Қўмитага қайта тақсимланаётган штат бирликлари доирасида шакллантирилади;
- (в) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича синовдан ўтказувчи **тиббий жиҳозлари** ҳамда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича синовдан ўтказувчи **лабораториялари, ўскуналари ва жиҳозлари** Институтга ўтказилади.

IV. Соҳада манфаатдор тарафлар иштирокини таъминлаш

10. Қўмита ҳузурида **Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги масалалари бўйича маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда – Маслаҳат кенгаши) ташкил этилсин ҳамда унинг асосий фаолият йўналишлари **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

11. Белгилансинки:

(а) Маслаҳат кенгаши таркибига **давлат идоралари ва бошқа барча манфаатдор тарафлар вакиллари** ўз ихтиёрига кўра қуйидаги гуруҳларга тақсимланган ҳолда киритилади ва **ҳар бир гуруҳ битта овозга эга бўлади:**

(i) масъул давлат бошқаруви ва назорати органлари;

(ii) озиқ-овқат бизнеси операторлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи бошқа тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг бирлашмалари;

(iii) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари;

(iv) илмий ва академик муассасалар ҳамда мувофиқликни баҳолаш органлари;

(v) оммавий ахборот воситалари ва блогерлар;

(б) Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва юритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

(в) Маслаҳат кенгаши таклифлари Қўмита томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасига оид давлат сиёсатини ишлаб чиқишда инобатга олинади.

V. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизимини ислоҳ қилиш бўйича кейинги чора-тадбирлар

12. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизимини ислоҳ қилиш даврида институционал барқарорликни таъминлаш учун қуйидагилар амалга оширилсин:

(а) ваколатларни **уйғунлаштириш** ва уларнинг **такрорланишини бартараф этиш**, институционал мажбуриятларни белгилаш;

(б) мавжуд малакали ходимларни сақлаб қолиш ва уларнинг сафини кенгайтириш;

(в) давлат назорати ва лаборатория хизматларини кўрсатишнинг операцион узлуксизлигини таъминлаш.

13. Қўмита 2026 йил 1 декабрга қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги миллий стратегиясини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин:

(а) Алиментариус кодекси стандартларига асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қоидалари ва нормаларини қабул қилиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

(б) озиқ-овқат бизнеси операторлари билан маслаҳатлашувларни олиб бориш ва улар учун узлуксиз тренинглари ташкил этиш;

(в) хавфларни баҳолаш, бошқариш, хавф тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, хавфга асосланган текширув тартибини жорий этиш;

(г) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган инспекция, рўйхатга олиш, мониторинг қилиш, кузатиш ва хавф таҳлилини ўтказиш тартиб-таомилларини жорий этиш ҳамда уларнинг интеграциялашган рақамли платформасини яратиш;

(д) инспекторлар, лаборатория ва соҳа мутахассислари учун узлуксиз профессионал тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимларини босқичма-босқич жорий этиш;

(ж) Қўмита фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) сифатида ички бозорнинг хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги даражаси ҳамда муаммолари ҳал этилган озиқ-овқат бизнеси операторлари сонининг ошиб боришини белгилаш.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** Қўмита ва Чорвачилик агентлиги фаолиятини ташкил қилиш бўйича қарорлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **8-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
16. Адлия вазирлиги Қўмита, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раиси белгилансин.
18. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Ветеринария
ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг
қайта тақсимланаётган вазифалари**

Т/р	Вазифалар қайта тақсимланадиган давлат органи номи	Вазифалар
I. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси вазифаларини тақсимлаш		
1.	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасига*	<p>1.1. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги соҳасида республика ижро этувчи ҳоқимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хомашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш услубиятини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда иштирок этиш.</p> <p>1.2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва гигиенасига оид санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.</p> <p>1.3. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, шу жумладан, умумий овқатланиш соҳасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва қонун бузилишлари бўйича белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини қўллаш.</p> <p>1.4. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича махсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли рухсатнома ва санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириш.</p> <p>1.5. Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли билан боғлиқ бўлган касалликлар юзага келиши сабабларини таҳлил қилиш, олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тегишли ахборот тизимларини юритиш.</p>

Т/р	Вазифалар қайта тақсимланадиган давлат органи номи	Вазифалар
		<p>1.6. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p>1.7. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги соҳасида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш.</p> <p>1.8. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш ҳамда фундаментал, амалий ва илмий тадқиқотлар олиб бориш.</p> <p>1.9. Озиқ-овқат гигиенаси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги соҳасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича тўлов-контракт асосида кадрларнинг малакасини ошириш.</p> <p>1.10. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усуллари тизимли асосда жорий этиш.</p> <p>1.11. Ўзбекистон Республикасида санитария ва фитосанитария чоралари бўйича Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатларни хабардор қилиш ва уларнинг асосланган сўровларига жавоб бериш тартиб-таомилларини жорий этиш.</p> <p>1.12. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган биологик фаол қўшимчалар муомаласини тартибга солиш.</p>
II. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси вазифаларини тақсимлаш		
2.	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасига	<p>2.1. Ветеринария соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш.</p> <p>2.2. Мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳайвонлар касалликлари профилактикасининг ва уларни даволашнинг замонавий усуллари амалиётга жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этишда иштирок этиш.</p>

Т/р	Вазифалар қайта тақсимланадиган давлат органи номи	Вазифалар
		<p>2.3. Эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва уларнинг тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш.</p> <p>2.4. Чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш.</p> <p>2.5. Ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.</p> <p>2.6. Чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштиришни таъминлаш, шунингдек, стандартлаштиришни таъминлаш ва сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этишда иштирок этиш.</p> <p>2.7. Маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.</p> <p>2.8. Ветеринария ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, замонавий ҳамда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>2.9. Ветеринария ва чорвачилик соҳаларидаги раҳбар, мутахассислар, олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий кадрларини ўзлуксиз касбий ривожлантириш тизими самарадорлигини таъминлаш.</p>
3.	Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлигига	<p>3.1. Чорвачилик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, стандартлаштиришни таъминлаш ва сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ушбу соҳада давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш.</p> <p>3.2. Чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>

Т/р	Вазифалар қайта тақсимланадиган давлат органи номи	Вазифалар
		<p>3.3. Чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик хўжаликларига озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш.</p> <p>3.4. Чорвачилик ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижалари ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш.</p> <p>3.5. Чорвачилик тармоғига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш.</p> <p>3.6. Яйлов ерларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, деградациясининг олдини олиш, ўсимликлар табиий плантацияларини яратишга қаратилган чоратadbирлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3.7. Яйловларда ўсимликлар уруғчилигини ривожлантириш, яйлов ерларини ижарага беришни ташкил этиш, шартномавий муносабатларни мониторинг қилиш.</p> <p>3.8. Қоракўл зотининг генофондини сақлаш, такрор кўпайтириш, селекция-наслчилик режаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда инфратузилмаларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>
4.	Қишлоқ хўжалиги вазирлигига	Барча турдаги чорва ҳайвонлари, парранда, балиқ ва асаларилар бўйича тизимли илмий асосланган ечимлар ишлаб чиқиш ва ушбу йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.
III. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вазифаларини тақсимлаш		
5.	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасига	<p>5.1. Ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш.</p> <p>5.2. Тупроқ агрокимёвий таҳлилларини ўтказиш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицид, нитрат ва оғир металл тузлари қолдиқларини дала шароитида радиологик-токсикологик таҳлиллардан ўтказиш.</p>

Т/р	Вазифалар қайта тақсимланадиган давлат органи номи	Вазифалар
		<p>5.3. Ўсимликлар карантини ва ҳимоясида прогноз тизимини такомиллаштириш, зарарли организмларга қарши курашишнинг уйғунлашган самарали усулларини белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зарарли организмларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда йўқ қилиш.</p> <p>5.4. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари ҳамда минерал ва микробиологик ўғитларнинг биологик самарадорлиги бўйича синовларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, қишлоқ хўжалигида кимёлаштириш ва биологик воситалардан фойдаланиш соҳасида норматив, регламент ва стандартлар ишлаб чиқиш ҳамда кимёлаштириш ва биологик воситалар реализацияси билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш.</p> <p>5.5. Фитосанитар хавфсизликни таъминлашда илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ривожлантириш, замонавий инновацион ечимлар, режалаштириш ва бошқариш усулларини жорий этиш, илғор технологиялар ҳамда иш усулларини жорий этишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, соҳада кадрларни тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.</p> <p>5.6. Дала четларида ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларида маҳсулотлар етиштириш, қишлоқ хўжалиги субъектларига уруғ ва кўчатлар етказиб бериш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришни ташкил қилиш.</p> <p>5.7. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, янги техникани ва технологик жараёнларни ҳамда қишлоқ хўжалигида уларнинг қўлланиш усулларини яратишга, синашга ва жорий этишга доир илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ҳамда лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида мутахассислар тайёрланишини, қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини таъминлаш.</p>
6.	Қишлоқ хўжалиги вазирлигига	Ўсимликлар клиникалари ва биолабораториялар тизимини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

* Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг мазкур иловада келтирилмаган амалдаги бошқа вазифалари ўз ваколатида сақлаб қолинади.

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг
қайта тақсимланаётган тизим ташкилотлари рўйхати**

I. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси

1.1. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасига:

- (а)** Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари;
- (б)** Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари;
- (в)** Ветеринария дори воситалари ва маҳсулотларни синовдан ўтказиш давлат илмий назорат маркази;
- (г)** Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси;
- (д)** Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш маркази;
- (ж)** Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, филиаллари ҳамда академик лицейи;

(з) Ветеринария илмий-тадқиқот институти;

(и) Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти.

1.2. Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлигига:

(а) Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази;

(б) Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё яйлов хўжаликлари;

(в) “Паррандасаноат” уюшмаси*;

(г) “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси*;

(д) Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси*;

(ж) Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси*.

II. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги

2.1. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасига:

(а) Республика агрохимёвий таҳлил маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматлари;

(в) Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари.

2.2. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига – “Биосифат” республика маркази.

* Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги ўз фаолиятини мазкур уюшмалар билан ҳамкорликда олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар ўртасида
қайта тақсимланаётган штат бирликлари

Т/р	Штат бирликлари қисқартириладиган ташкилотлар	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси						Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**			Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги***							
		Жами	Бошқарув ходимлари	шу жумладан		Ишлаб чиқариш ходимлари*	шу жумладан		Бошқарув ходимлари	шу жумладан		Жами	Бошқарув ходимлари	шу жумладан		Ишлаб чиқариш ходимлари*	шу жумладан	
				Давлат бюджети ҳисобидан	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан		Давлат бюджети ҳисобидан	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан		Давлат бюджети ҳисобидан	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан			Давлат бюджети ҳисобидан	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан			
	Жами	11 407	1 842	1 824	18	9 565	9 043	522	247	247	-	737	157	157	-	580	580	-
1.	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси	1 372	9	9	-	1 363	849	514	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси	6 880	1 281	1 281	-	5 599	5 599	-	234	234	-	737	157	157	-	580	580	-
2.1	шу жумладан, бошқарув органи бўлмаган тизим ташкилотлари	2 463	503	503	-	1 960	1 960	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги	3 155	552	534	18	2 603	2 595	8	13	13	-	-	-	-	-	-	-	-
3.1	шу жумладан, тизим ташкилотлари	443	202	202	-	241	241	-	13	13	-	-	-	-	-	-	-	-

* Ишлаб чиқариш штат бирликлари сони ташкилот учун тасдиқланадиган норматив асосида қайта белгиланиши мумкин.

** 10 та штат бирлиги Аграр соҳада тўловлар агентлигига берилади.

*** Ходимларнинг умумий чекланган сони таркибида Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё яйлов хўжалиklarининг 18 та бошқарув ҳамда 32 та ишлаб чиқариш штат бирликлари инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари

- 1. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, ветеринария ва фитосанитария соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш, хусусан:**
 - (а)** қонунчилик ҳужжатлари, миллий стандартлар, қоидалар ва нормалар, мақбул ишлаб чиқариш амалиётлари, шунингдек, улардан фойдаланиш қўлланмаларини халқаро талабларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқиш ва уларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш;
 - (б)** озиқ-овқат бизнеси операторлари, янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат қўшимчалари, кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатга олиш;
 - (в)** озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасидаги лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;
 - (г)** хатар омиллари аниқланганда, хавфларни баҳолаш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ва (ёки) импортини чекловчи вақтинчалик чораларни қўллаш, хавфли деб топилган маҳсулотларни муомаладан қайтариб олиш чораларини кўриш.
- 2. Республика ҳудудидаги ўсимликлар ва ҳайвонлар касалликларининг ҳамда зараркунандаларининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, уларга қарши курашишнинг самарали усулларини белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш.**

- 3. “Даладан дастурхонгача”** тамойили асосида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида хавф таҳлилига асосланган давлат назоратини амалга ошириш, хусусан:
- (а)** озиқ-овқат бизнеси операторлари томонидан **хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари** (НАССР) тамойилларига риоя этилишини инспекция қилиш;
 - (б)** озиқ-овқат маҳсулотлари устидан **бозор назоратини амалга ошириш**, истеъмолчиларни хавфсизлиги кафолатланмаган ва қалбаки маҳсулотлардан ҳимоялаш.
- 4.** Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ **касалликларнинг сабабларини таҳлил қилиш**, жамоат саломатлиги ва **истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга** қаратилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш.
- 5.** Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида **халқаро ҳамкорликни амалга ошириш**, соҳага рақамли технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш.

**2027 йил 1 январдан бошлаб хусусий секторга халқаро тажриба асосида
босқичма-босқич ўтказиладиган (турлари кенгайтириладиган) озиқ-овқат
маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги функциялар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Функциянинг номи*
1.	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича махсус экспертизаларни ўтказиш
2.	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича лаборатория текширувларини ўтказиш
3.	Ветеринария-лаборатория хизматларини кўрсатиш
4.	Ҳайвонларни эмлаш ва даволаш
5.	Дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш
6.	Чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш

** Мазкур функцияларни хусусий секторга ўтказиш шакллари (уларни тўлиқ хусусий секторга ўтказиш, давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш, хусусий секторга амалга ошириш ҳуқуқини бериш) ушбу функцияларни хусусий сектор томонидан амалга ошириш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади.*

**Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ҳузуридаги
Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги институтининг
вазифалари**

- 1. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ҳамда хавф таҳлилига асосланган инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш.**
- 2. Тизимли равишда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳолатини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжиридаги микробиологик патогенлар ва кимёвий ифлослантирувчилар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.**
- 3. Янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат қўшимчалари, кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар бўйича миллий ва халқаро тажрибани ўрганиб бориш, уларни рўйхатга олиш мақсадидаги тадқиқотларни олиб бориш ва ҳисоботлар расмийлаштириш.**
- 4. Озиқ-овқат маҳсулотларининг мувофиқлигини баҳолаш ҳамда илмий синов жараёнларига инновацион ва замонавий синов услубиётларини жорий этиш.**

Изоҳлар:

- 1. Институт томонидан рўйхатга олиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар белгиланган услубиятлар, аккредитация талаблари, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, натижаларни қайта кўриб чиқиш ва мустақил апелляция механизми асосида амалга оширилади.*
- 2. Институт тадқиқотлари ва хулосалари Қўмита томонидан рухсат бериш ёки рўйхатга олиш бўйича қарор қабул қилишда ягона ва мажбурий манба сифатида қўлланилмайди, қарор қабул қилишда бошқа аккредитацияланган лаборатория ёки эксперт ташкилоти хулосалари тенг кучга эга асос сифатида инобатга олиниши мумкин.*

**Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ҳузуридаги
Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги масалалари бўйича маслаҳат
кенгашининг асосий фаолият йўналишлари**

**I. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини
такомиллаштириш борасида**

- 1. Соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини халқаро талаблар ҳамда савдо мажбуриятларига мувофиқлаштиришга кўмаклашиш.**
- 2. Хавфларни бошқариш, инспекция амалиёти ва тартибга солиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.**
- 3. Янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат қўшимчалари, кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатга олиш масалаларини ўрганиб бориш ва Қўмитага таклиф киритиш.**

II. Манфаатдор тарафлар билан маслаҳатлашув борасида

- 4. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мавжуд муаммоларнинг идоралараро муҳокамасини ташкил этиш.**
- 5. Давлат органлари ва озиқ-овқат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги конструктив ва натижавий мулоқотни йўлга қўйиш.**

Изоҳлар:

- 1. Маслаҳат кенгаши хулосалари ва таклифлари Қўмита томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади.*
- 2. Қўмита Маслаҳат кенгаши таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш сабабларини ёзма равишда асослантиради.*

- 3.** *Маслаҳат кенгаши хулосалари, таклифлари ва уларни кўриб чиқиш натижалари Қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади, бундан конфиденциал маълумотлар мустасно.*
- 4.** *Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, фитосанитария ва ветеринария соҳаларига оид янги мажбурий талабларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ва норматив ҳужжатлар лойиҳалари Маслаҳат кенгашида олдиндан кўриб чиқилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонида:

(a) 1-иловада:

(i) “4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги				
	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	2 323	2 022	301
	<i>шу жумладан, вазир ўринбосарлари сони</i>	6	6	
1.	Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги	157	157	
	<i>шу жумладан, директор ўринбосарлари сони</i>	2	2	
2.	Агросаноатни ривожлантириш агентлиги	287	272	15
	<i>шу жумладан, директор ўринбосарлари сони</i>	3	2	1

”;

(ii) “12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги” бўлимида 1-позициянинг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунларидаги “68” рақами “59” рақами билан алмаштирилсин;

(iii) қуйидаги мазмундаги “40. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси” бўлими билан тўлдирилсин:

“

40. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси				
	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси	1 339	1 321	18
	<i>шу жумладан, раис ўринбосарлари сони</i>	5	5	

”;

(iv) изоҳлар қисмида:

5.2-кичик банд “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида” сўзларидан кейин “Биосифат” республика маркази” сўзлари билан тўлдирилсин;

5.3-кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) 2-иловада:

(i) 4.1 – 4.4-кичик бандлар қуйидаги мазмундаги 4.1 – 4.2-кичик бандлар билан алмаштирилсин:

“4.1. Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги

4.2. Агросаноатни ривожлантириш агентлиги”;

(ii) қуйидаги мазмундаги 43-банд билан тўлдирилсин:

“43. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси”;

(iii) изоҳ қисмининг учинчи хатбошисидаги “7” рақами “8” рақами билан алмаштирилсин;

(в) 2а-иловада:

(i) 4.1 – 4.4-позициялар қуйидаги мазмундаги 4.1 – 4.2-позициялар билан алмаштирилсин:

“

4.1	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги	Чорвачилик агентлиги	Агентство по животноводству
4.2	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги	Агросаноатни ривожлантириш агентлиги	Агентство развития агропромышленности

”;

(ii) қуйидаги мазмундаги 43-позиция билан тўлдирилсин:

“

43.	Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси	Комитет пищевой безопасности
-----	--	--	------------------------------

”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–90-сон Фармонида:

(а) 1-бандда:

(i) тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

(ii) олтинчи – саккизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(б) 2-илова “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” блокидан кейин “Биосифат” республика маркази” блоки билан тўлдирилсин;

(в) 3 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–77-сон Фармонида:

(а) 3-банд қуйидаги мазмундаги “ж” кичик банд билан тўлдирилсин:

“(ж) ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш учун штат бирликларини малакали мутахассислар билан тўлдириш мақсадида, истисно тариқасида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратига 2026 йил якунига қадар ходимларни танловсиз ишга қабул қилиш”;

(б) 6-банднинг “б” кичик бандидаги “68” рақами “59” рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–431-сон қарори 4-банди “б” кичик бандининг иккинчи хатбошисидан “ва фойдаланиш даражаси ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган моторесурснинг 50 фоизидан” сўзлари чиқариб ташлансин.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–465-сон қарорида:

(а) 1-банднинг “а” кичик бандида:

(i) иккинчи хатбошидаги “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик)” сўзлари “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасига (кейинги ўринларда — Қўмита)” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) учинчи, бешинчи, еттинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги тегишли келишиқдаги “Агентлик” сўзи тегишли келишиқдаги “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

(iii) тўртинчи хатбошидаги “Агентликка” сўзи “Қўмитага” сўзи билан алмаштирилсин;

(б) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Агентлик директори” сўзлари “Қўмита раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 5-банднинг “б” кичик бандидаги “Агентлик” сўзи “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

(г) 8-банднинг “в” кичик бандидаги “Агентлик (И. Эргашев)” сўзлари “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

(д) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Республика ишчи гуруҳи ва ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолияти юзасидан маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, чоратадбирлар ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш учун масъул бўлган Қўмита марказий аппаратида 8 та штат бирлигидан иборат бошқарма, Қорақалпоғистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бош бошқармаларида 2 та штатдан иборат бўлимлар ташкил қилинсин.

Белгилансинки, мазкур штат бирликлари, истисно тариқасида, 2025–2026 йиллар учун жорий этилади ҳамда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан сақланади”;

(ж) 11-бандда:

(i) биринчи хатбошидаги “Агентлик” сўзи “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

(ii) олтинчи хатбошидаги “Агентлик директори И. Эргашев” сўзлари “Қўмита раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(з) 16-банддаги “Агентлик директори И.К. Эргашев” сўзлари “Қўмита раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(и) 1-иловада:

(i) “И. Эргашев – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори, ишчи гуруҳ раҳбари” сўзлари “Лавозими бўйича – Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раиси, ишчи гуруҳ раҳбари” сўзлари билан алмаштирилсин;

- (ii) “Б. Хамраев – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директорининг биринчи ўринбосари” сўзлари “Лавозими бўйича – Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раисининг ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (iii) “Д. Анарбаев – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бошқарма бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби” сўзлари “Лавозими бўйича – Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси бошқарма бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби” сўзлари билан алмаштирилсин.

